#### 191-модда

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ КАРОРИ

191 Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш, шунингдек баъзи қарорларини уз кучини йуқотган деб хисоблаш турисида (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим булган шахслар — Узбекистон Республикаси фукаролари тоифаларининг руйхати турисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чоратадбирлари хақида» 2012 йил 16 февралдаги 41-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси фукароларини Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи буйича хисобга олиш, чет эл фукаролари ҳамда фукаролиги булмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:** 

- 1. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритилсин.
- 2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофик баъзи карорлари ўз кучини йўкотган деб хисоблансин.
- 3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

### **У**збекистон Республикасининг Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш., 2012 йил 20 апрель, 116-сон

> Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 116-сон қарорига 1-ИЛОВА

## Узбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қушимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида давлат уй-жой фондини хусусийлаштиришни давом эттириш тўгрисида» 1993 йил 1 мартдаги 114-сон қарорига 2-илова 22-бандининг олтинчи хатбошига «конун ҳужжатларида уй-жой сотиб олиш ва прописка қилишда алоҳида ҳолатлар бел-

гиланган Тошкент шахри ва Тошкент вилояти бундан мустасно)» сўзлари қўшилсин.

- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўгрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муносабати билан норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўгрисида» 1994 йил 4 апрелдаги 180-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 4-сон, 20-модда) 1-иловада:
- а) 4-банддаги «Ӱзбекистон Республикаси фукаролари ва бошқа давлатларнинг фукаролари, шу жумладан МДХ қатнашчилари булган давлатларнинг фукаролари ва» сузлари «Ӱзбекистон Республикаси фукаролари, чет эл фукаролари ва» сузлари билан алмаштирилсин;
  - б) 7-банд құйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «7. Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларида яшовчи фуқаролар томонидан Тошкент шахри ва Тошкент вилоятидаги хусусийлаштирилган квартираларни (квартираларнинг бир қисмини), уйларни (уйларнинг бир қисмини) сотиб олиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Хорижий фукаролар ва фукаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини хамда доимий яшаш учун Тошкент шахрига келишни тартибга солиш тўгрисида» 1999 йил 27 февралдаги 92-сон қарорининг 4-бандида кўрсатилган шахслардан ташқари, Ўзбекистон Республикасида яшаш гувохномасига эга бўлган чет эл фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар, белгиланган тартибда Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий прописка олишгандан кейин, Тошкент шахри ва Тошкент вилоятидаги хусусийлаштирилган квартираларни (квартираларнинг бир қисмини), уйларни (уйларнинг бир қисмини) сотиб олишлари мумкин».

- 3. Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 7-бандида:
- «б» кичик бандига «шунингдек турган жойи буйича хисобга қуйиш учун» сузлари қушилсин;
- «в» кичик бандидаги «шу жумладан МДХ қатнашчилари булган давлатлар фукаролари» сузлари чиқариб ташлансин.
- 4. Вазирлар Махкамасининг «Хорижий фукароларнинг ва фукаролиги булмаган шахсларнинг Узбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда булишлари ва транзит утишлари тартиби тугрисида» 1996 йил 21 ноябрдаги 408-сон карорида:
- а) 1-илованинг 1-бандидаги «шу жумладан МДХ қатнашчилари бўлган давлатлар фукаролари» сўзлари чикариб ташлансин;
  - б) 2-иловада:
- 1-банддаги «шу жумладан МДХ қатнашчилари булган давлатлар фуқаролари» сузлари чиқариб ташлансин;
  - 31-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:

- «Ўзбекистон Республикасида яшаш гувохномасига эга бўлган чет эл фукароларини Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида доимий ва вактинча прописка килиш, шунингдек бошка давлатлардан келаётган чет эл фукаролари томонидан доимий яшашга рухсатнома олиш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади».
- 5. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги булмаган шаҳслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини ҳамда доимий яшаш учун Тошкент шаҳрига ва Тошкент вилоятига келишни тартибга солиш тӱрисида» 1999 йил 27 февралдаги 92-сон қарорида:
  - а) қарорнинг номи ва кириш қисми қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

# «Чет эл фукаролари ва фукаролиги булмаган шахслар томонидан Узбекистон Республикасида уй-жой сотиб олинишини тартибга солиш тугрисида

Чет эл фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасида уй-жой сотиб олиш жараёнларини тартибга солиш максадида Вазирлар Махкамаси **қарор қилади**»;

- б) 1-банднинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги «шу жумладан МДХ қатнашчилари бўлган давлатлар фукаролари» сўзлари чикариб ташлансин;
- в)  $2, 2^1, 3$ -бандлар, 4-банднинг туртинчи ва бешинчи хатбошилари уз кучини йуқотган деб хисоблансин.
- 6. Вазирлар Махкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари хузуридаги Махсус комиссиялар тўгрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида» 1999 йил 16 апрелдаги 178-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 4-сон, 20-модда):
  - а) қарорнинг номи қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

# «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги Махсус комиссиялар түррисидаги Намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида\*»;

- б) қарорнинг номига қуйидаги тахрирдаги иқтибос қушилсин:
- «\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида паспорт тизими коидаларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2011 йил 22 сентябрдаги П $\Phi$ -4364-сон  $\Phi$ армони билан Тошкент шахри ва Тошкент вилояти хокимликлари хузуридаги махсус комиссиялар тугатилган»;

- в) 1, 2 ва 3-бандлардаги «ва Тошкент шахар» ҳамда «шу жумладан МДХ қатнашчилари булган давлатлар фукаролари» сузлари чиқариб ташлансин;
  - г) 1-иловада:

илованинг номидаги ва 1-банддаги «ва Тошкент шаҳар» ҳамда «шу жумладан МДХ қатнашчилари булган давлатлар фукаролари» сузлари чиқариб ташлансин;

2-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги «ва Тошкент шахри» ҳамда «Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи» сўзлари чиқариб ташлансин;

3-бандда:

иккинчи ва бешинчи хатбошилардаги «МДХ қатнашчилари булган давлатлар фукароларига» ҳамда «МДХ қатнашчилари булган давлатлар фукаролари» сузлари чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

6 ва 7-бандлардаги «ва Тошкент шахар ички ишлар бош бошқармаси» сÿзлари чиқариб ташлансин;

Намунавий низомдаги III-бўлим ва 3, 3a, 4, 4a-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

- 7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини расмийлаштириш ва бериш тартиби тўгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2000 йил 30 декабрдаги 519-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 12-сон, 84-модда):
  - а) 5-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:
- «5. Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фукароларининг чет элга чикишлари масалаларини кўриб чикиш ва хал этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги ПФ-2240-сон\* Фармони билан ташкил этилган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар хокимликлари хузуридаги махсус комиссияларга юклансин»;
  - б) 5-бандга қуйидаги мазмундаги иқтибос қушилсин:
- «\* Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шахри ва Тошкент вилоятида паспорт тизими коидаларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида» 2011 йил 22 сентябрдаги П $\Phi$ -4364-сон  $\Phi$ армони билан Тошкент шахри ва Тошкент вилояти хокимликлари хузуридаги махсус комиссиялар тугатилган»;
  - в) 7-банддаги «Тошкент шахри» сўзлари чиқариб ташлансин;
  - г) 1-илованинг 2-бандида:

биринчи хатбошидаги «ва Тошкент шахри» сўзлари чиқариб ташлансин; иккинчи хатбошидаги «ва Тошкент шахар ИИББ» сўзлари чиқариб ташлансин.

- 8. Вазирлар Маҳкамасининг «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўгрисида» 2001 йил 18 майдаги 223-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 5-сон, 28-модда) 1-илованинг 11-бандига қуйидаги мазмундаги хатбоши қушилсин:
  - «Тошкент шахри ва Тошкент вилоятига республиканинг бошқа минта-

17 (517)-сон

қаларидан келаётган ва бир марталик вақтинча ишларга ёлланаётган фуқаролар фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатга турган жойи буйича ҳисобга олиш туррисидаги қайд варағини тақдим қилиши керак».

9. Вазирлар Махкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағ ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўгрисида» 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-илованинг 9-бандидаги «вақтинча прописка» сўзларидан кейин «ва турган жойи бўйича хисобга олинганлиги» сўзлари қўшилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 116-сон қарорига 2-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган деб хисобланаётган қарорлари РЎЙХАТИ

- 1. Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрида уй-жой сотиб олишни тартибга солишга доир қушимча чора-тадбирлар туррисида» 2004 йил 16 декабрдаги 586-сон қарори.
- 2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш туррисида» 2010 йил 12 июлдаги 145-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 7-сон, 36-модда).